"ТАСДИҚЛАНГАН"
«BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati
Кузатув кенгашининг 2015 йил
23 апрелдаги 1-сонли йиғилиши
карори билан

Кузатув кенгаши раиси
Э.К.Уралов _____

"_____" _____ 2015 йил

М.Ў.

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
Марказининг Тошкент вилояти
бошқарма томонидан

Бошқарма бошлиғи в.в.б.
_____ **Э.Эшанкулов**

№ 0160-6

"3" июн 2015 йил

М.Ў.

ЯНГИ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
«BIOKIMYO» aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:

R	U	1	0	6	L	0	1	6	0	T	3

Номинал қиймати **3 350 сўм** бўлган, **357 080 дона** эгаси ёзилган, оддий, ҳужжатсиз (нақдсиз) акциялар.

Мазкур чиқарилаётган акциялар **ёпиқ обуна** орқали, Устав фонди ошириш йўли билан аввал жойлаштирилган паст номиналдаги акциялар номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланиши йўли билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **олтинчи** чиқарилишдир.

Тасдикланган: **Кузатув кенгашининг 2015 йил 23 апрелдаги 1-сонли йиғилиш қарори билан.**

23 апрель 2015 йил 1-сон Баённома

«BIOKIMYO» AJ Кузатув кенгаши йиғилишида акцияларни янги чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари:

Жойлашган жойи:Тошкент вилояти, Янгийўл туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй
Почта манзили:112004, Тошкент вилояти, Янгийўл туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй
Веб-сайт: www.biokimyo.uz
Эл.почта: info@biokimyo.uz , yangiyolbiokimyo@vinsanoat.uz
Телефон: 8 370-60 2-49-18, Факс: 8 370-60 2-43-84

Эмитентнинг рахбари: С.С.Шамшиев

Бош бухгалтер: В.Лим

Мухр **Сана "12" 05 2015 йил.**

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): *оддий*
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: *хужжатсиз (накдсиз).*
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 3 350 сум.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): *357 080 дона*
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): *1 196 218 000 сум*
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисоб-варағидан кўчирма олиш;
- фойдасининг бир қисмини дивиденд шаклида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- жамият бошқарувида иштирок этиш;
- олган дивидендни эркин тасарруф этиш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда унга тегишли бўлган жамият акцияларини сотиб олишни талаб этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва эмитентларнинг ўқувсиз ёки ғаразли ҳатти-харакатлари туфайли кўрилган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва фойданинг бир қисмини йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Акциядорлар қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставида ушбу чикарилишдаги акцияларни жойлаштирилишига нисбатан чеклашлар мавжуд эмас. Чикарилиш тугрисидаги карорга асосан чикарилаетган акциялар ёпик обуна оркали жамият акциядорлари уртасида акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда жойлаштирилади.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 1 196 218 000 сум
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 357 080 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз (накдсиз) акциялар;
10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): жамият томонидан облигациялар чиқарилмаган;
11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. **Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):** Мазкур чиқрилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали, жамият акциядорлари уртасида акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда

жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Акцияларни жойлаштириш муддати-акцияларни айирбошлаш янги кимматли коғозлар чиқарилиши давлат рўйхатидан олинган кундан бошлаб 15 календар кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

-акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси- ушбу акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кун.

-акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси- ушбу чиқарилишдаги акциялар аввал жойлаштирилган паст номинал қийматга эга бўлган акцияларга айирбошланган кун.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: аввал жойлаштирилган акциялар номинал қиймати оширилган акцияларга айирбошланади, бунда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмайди;

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

«BIOKIMYO» AJ эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарий: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси;

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шахар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Телефонлари: 8-371-236-14-34, факс: 8-371-233-13-57;

Лицензия раками ва берилган снаси: йўқ.

Лецензия берган орган: йўқ..

Лицензия амал килиш муддати: йўқ.

«BIOKIMYO» AJ акцияларига бўлган хуқуқларни хисобга олиш ва сақлаш функциясини бажарувчи:

«MULK SARMOYA BROKERLIK UYI» aksiyadorlik jamiyati,

Манзили: Ўзбекистон, 100000, Тошкент шахар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

Телефонлари:236-14-34, факс:233-13-57

Лицензия раками ва берилган снаси: №107, берилган вақти 09.12.2012 йил.

Лецензия берган орган: Уз.Р. ҚҚБФМНҚМ томонидан.

Лицензия амал килиш муддати: муддати чекланмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: аввал жойлаштирилган акциялар номинал қиймати оширилган акцияларга тури ва сонига мутаносиб равишда айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади. Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган;

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: акциялар номинал қийматда жойлаштирилади;

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Жамият Устав фонди миқдори акцияларнинг номинал кийматини 3 210 сумдан 3 350 сўмгача ошириш йўли билан кўпайтирилади. Бунда, акцияларнинг аввалги номинал қиймати ва янги номинал қиймати ўртасидаги фарк, 49 991 200 сўм жамиятнинг 2014 молиявий йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 3,7% хисобига оширилади ва бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 30 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): Акциялар чиқарилувининг умумий ҳажмини 100 фоизидан, яъни 357 080 дона акциядан кам бўлмаган улуш жойлаштирилиши лозим. Ушбу улуш жойлаштирилмаган тақдирда акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб ҳисобланади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Акциялар чикарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акцияларнинг номинал кийматини камайтириш йули билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинади ва бухгалтерия ёзувларида тегишли қайта ўтказмалар амалга оширилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акцияларни янги чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Янгийул шахри, Кимёгар кучаси №1 уйда жойлашган «BIOKIMYO» АЖ нинг хисоб бўлимида танишиш мумкин.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда жамият расмий веб-сайтида, “Тошкент” фонд биржасининг расмий веб-сайтида хамда амалдаги қонунда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш орқали ошкор этилади.

«Тошкент» РФБ расмий веб-сайти www.uzse.uz

Манзили: Узбекистон, 100000, Тошкент шахар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10.

«BIOKIMYO» АЖ расмий веб-сайти www.biokimyo.uz

Манзили: Ўзбекистон, 112004, Тошкент вилояти, Янгийўл туман, Кимёгар кўчаси, 1 уй

13. Бошқа маълумотлар.йук